

Тошкент оқшомми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (11.295)

Баҳоси эркин нархда

2008 йил, 2 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунидеб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2008 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 8 декабрда тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мувожаати инobatта олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча муассасаларда давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 1 декабрь

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

● Наманганда «Конституция — буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда ғалаба шаҳар адлия бошқармасининг «Истиқлол» жамоасига насиб этди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

● «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган «Чой ва қахва — 2008» учинчи ихтисослашган кўргазмада жаҳоннинг 14 та давлатидан 50 та компания ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

● Наманган шаҳридаги 80 та маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш йиғинларидан 40 тасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг сайлови бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳридаги 27-мактаб Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг грантини ютди. 79 минг доллардан ортиқ маблағ ўқув масканини жиҳозлашга йўналтирилган бўлиб, бу ерда янги мебел, устоналар учун анжомлар, компьютерлар, телевизор, видеомagneтaфон ва бошқа техникалар ўрнатилди.

● Гулистон шаҳрида «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган анъанавий «Қамолот» шахмат тахтаси республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Руминияда ўтказилган парламент сайловидеда Социал-демократик партия ғолиб чиқди. Ушбу партия 36 фoизга яқин oвоз олишга эришди. Кейинги ўринларни Либерал-демократик ҳамда Миллий-либерал партиялар эгаллади. Илк бор сайловлар партия рўйхати билан эмас, балки алоҳида номзодлар бўйича ўтказилди. Социал-демократлар олган oвоз парламентда кўпчилик ўринини эгаллашга имкон бермайдиган. Шу боис уларнинг Миллий демократик партия билан музокара олиб бoришига тўғри келади.

● Еврокомиссия президенти Жозе Мануэль Баррозунинг таъкидлашича, Буюк Британия ҳукумати томонидан мамлакатнинг евроҳудудга қўшилиши имкониятларини кўриб чиқиш ишлари бошланди. Баррозунинг сўзларига қараганда, Буюк Британияда евро валютасига ўтиш юзасидан референдум ўтказишнинг аниқ муддатли маълум эмас.

● Жанубий Корея кеча ўзининг Ироқдаги тўрт йиллик ҳарбий ҳаракатлари тугаганини расман эълон қилди. Жанубий Корея ҳарбий бўлинмаларининг Ироқ ва Қувayтдан олиб чиқиб кетилиши 20 декабрда қадар якунланиши лoзим.

● Руминия Президенти Траян Басеску мамлакат ҳарбий контингентининг Ироқдан 2011 йилда ёки АҚШ ҳарбийлари билан биргаликда олиб чиқиб кетилишини маълум қилди.

● Кеча Кариб денгизига Россия ва Венецуэла ҳарбийлари ўртасида илк бор ҳамкорликдаги ҳарбий-денгиз машқлари бошланди.

● Украина Олий Радаси спикерининг сайлови бугун бўлиб ўтади. Ушбу ўринга тўртта номзод даъвогарлик қилмоқда.

● Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган савдолар давомида нефть нархининг сезиларли даражада тушганлиги кузатилди. Жумладан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 47,97 доллар миқдоридеда, Нью-Йоркда эса 49,28 доллар қийматида қайд этилди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунини Янгиликлар, воқеалар

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР ИЗЛАНГАН ҚОРХОНА ЖАМОАСИ ЎЗ ИСТИҚБОЛИНИ ЯРАТИБ, БОЗОРДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ. АЛБАТТА, ШУНИНГ БАРОБариДА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ БЎЛГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ БОЗОРДАГИ ХАРИДОРЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИБ, БЎЮРТМАЧИЛАР САФИ ҲАМ КЕНГАЙДИ.

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг давлат акциядорлик «O'ZTEMIRYO'LMACTA'MIR» унитар корхонасига қарашли «Қуёв-механика заводи» шўъба корхонаси ана шундай жамоалар сирасига кириб, тадбиркорлик билан амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигида акс этмоқда.

Мазкур корхонада поездларнинг юк вагонларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, қуёв бўйича эҳтиёт қисмларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозирда 900 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган ушбу йирик жамоа цехларида компания таркибига кирувчи корхоналар учун ҳам зарур хом ашёлар — керамик эҳтиёт қисмлари тайёрлаб берилади. Буюртмаларнинг тез ва соз бажарилишига қаратилган эътибор, сифатнинг доимий назорат қилиниши ривожланишда муҳим омил бўлмоқда ҳамда корхона мавқеини мустаҳкамламоқда.

Корхонада асосан қуёв, вагон ишлаб чиқариш, вагонларни таъмирлаш, механика цехлари ва мана шу асосий цехларни хом ашё билан таъминловчи бир неча ёрдамчи цехлар фаолияти йўлга қўйилган. Темир йўл тармоқлари ривожини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган мазкур корхона цехлари талаблар даражасидаги ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганлиги маҳсулотлар сифатини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, Россиядан келтирилган замонавий пай-

вандлаш ва ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари ишчиларга қўл келмоқда. Шунинг баробарида заводчи технолог қайта жиҳозлашга эътибор қаратилгани боис ҳам яна янги дастгоҳ ва ускуналар келтириб ўрнатишга саъй-ҳаракат қилинмоқда. Цехларга Россия ва Украина давлатларидан келтириб ўрнатилган илгирдиракларни тозалайдиган дастгоҳлар меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати орттиришда, буюртмаларни тез ҳамда соз бажаришда, экспорт ҳажми ошишида ҳам катта аҳамиятга эгалиги эътиборга олинган.

Корхона тадбиркорлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорларига эга бўлишмоқда. Тожикистон ва бошқа қўшни давлатлардан тушаётган буюртмаларнинг бажариб берилаётгани бунинг исботидир. Шартнома асосида мазкур буюртмачиларнинг вагонлари сифатли таъмирдан чиқарилмоқда-ки, бу ишда корхона малакали мутахассислари муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Айтиш жоизки, ўз вазибаларини сидқидилдан бажарётган корхонада ойига 40 та вагон мукамал ва жорий таъмирланди ҳамда 15 та янги вагон қурилади. Шунингдек, бу ерда ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган — Навоий кон-металлургия комбинатига йўл қурилиши учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ҳам ўз вақтида етказиб берилди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида татбиқ этилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва эркинлаштиришга доир янги концепция ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида суд-ҳуқуқ ислохотлари бераётган самараларга бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда гап борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарофуддинов, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиги А.Якубов ва бошқалар юртимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.


Судлар ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига ҳос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Жиноий ҳазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги ҳазо тайинлашнинг тури тобора камаймоқда. Ярашув институти жорий этилгани бунда муҳим ўрин тутди.

Суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. 2008 йилнинг январидан улим ҳазосининг бекор қилиниши, ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши тизимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Конференцияда қайд этилганидек, бу борадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Юридик кадрлар тайёрлаш тизими ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Жамоат ташкилотлари ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамда олимлар иштирок этган анжуманда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



Албатта, тармоқ корхоналарида импорт ўрнини босувчи бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрланаётган бир вақтда мазкур завод аҳли ҳам четда тургани йўқ. Бу ерда тайёрланаётган йўл ва вагон ҳўжалиги, юк вагонлари учун ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисм ва механизмлар импорт ўрнини босмоқда. Маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 2001 халқаро сертификатига талабларига жавоб беради. Шунингдек, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар Россия давлати мутахассислари синовидан ўтган бўлиб, ҳамкор мамлакат корхонасининг сертификатига эга эканлиги билан эътиборлидир.

Тадбиркорлар йилдан йилга ишлаб чиқаришини ривожлантириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш тадбирларини кўришмоқда. Албатта, импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар турлари ҳам ортиб боради. Шу боис ҳам улар келгусида инвестицияларни киритиш орқали Япония ва Германиядан янги технологик линиялар келтиришни кўзда тутишмоқда. Ушбу техникалар билан қуёв цехи жиҳозланади. Бунинг самараси эса маҳсулот турлари ва рақобатбардошлигида акс этиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона цехларида малакали мутахассислар меҳнат қилишади.

Максим Черногаев
олган сурат

Қисқа сатрларда

● МИРЗО Улугбек туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Қамолот» ЁИХ туман бўлимлари, туман ўқувчилар ижодиёти маркази, туман ИИБ, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларидеда туман фаоллари, ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Бахтимиз Қомуси — келажакимиз пойдевори» деб номланди.

● МИРЗО Улугбек туманидаги 148-мактабда «Конституция ва биз» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган давра суҳбатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланди.

● БУГУН Сергели туманидаги «Бахт-Дийр» қoшонасида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан тумандаги 500 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида хайрия тадбири ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

3. Белгилансинки, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдирлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШINI ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суруятлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури 1-илсвага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари деб ҳисоблансин: энг аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни татбиқ этиш;

ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш;

иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш;

(Давоми 2-бетда).

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Гуручариқ» маҳал-
ласида бўлиб ўтган сайловдан ла-
вҳалар

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Ёшлар —
келажагимиз

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҲАМ ЕТТИНЧИ ЙИЛИНИНГ ЁШЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЗАМИРИДА ЧУҚУР МАЪНО-МАЗМУН МАВЖУД. ЗОТАН, ЮРТИМИЗ ТОМ МАЪНОДА ЁШЛАР МАМЛАКАТИ. ЖОРИЙ ЙИЛИНИНГ ҲАМ 149 ТА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ, 22 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, 634 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 184 ТА ОБЪЕКТИ ТҶАА ТАЪМИРЛАНИШИ ҲАМ БУНЁД ЭТИЛИШИ ИШГА ТУШИРИЛДИ. ЯНГИ ТАЪЛИМ МАКОНЛАРИ ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЬ, ҲУҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИХОЗЛАНДИ, УЛАРДА КОМПЬЮТЕР СИНОЛАРИ ҲАМДА ЛИНҒАФОН ХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. «ТАЪЛИМ ТҶҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАРИМИЗГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ, КАСБ-ХУНАР ҲУҚАТИШ, УЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, СОҒЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҚОБИЛИЯТИ ВА ИҚТИДОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЉМОҚДА.



1-Тошкент Педагогика коллежиди бўлганимизда ёшларимизнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишлари, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашлари таъминлаш борасида барча имкониятлар яратилганининг гувоҳи бўлдик. Ҳаётининг таъминлаш масаласини реконструкция қилиш ишлари бошланиб янги 2008-2009 ўқув йилига коллежнинг 2 та ўқув биноси тўла таъмирдан чиқарилди. Қўрган кўзларни қувнатувчи масканда тендер қолиб бўлган «Бинокор» масъулияти чекланган жамиятининг моҳир қўли бўёдорларга 2,8 миллиард сўмлик иш бажаришди.

— Мустиқиллигимизнинг илк кўнлариданок давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш

борасидаги ислохотлар, — дейди коллеж директори Шавкат Қурбонов, — ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро ҳамбаркас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ёшлар йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар бизнинг жамоамиз учун ҳам янги, янада юқори босқичга кўтарилди. Ҳозирда коллежимизда 2600 нафардан зиёд ўқувчи бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спортини йўналишларида тахсил олишмоқда. Жумладан, жорий йилда янги йўналиш татбиқ этилиб, ёшлар логопедия ҳамда логопедик йўналишидаги таълим муассасаларида тарбиявий ишлар бўйича замонавий мутахассисликларга ўқитилмоқда. Эътиборли томони, ушбу йўна-

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

лиш коллежлар орасида республикамизда ягона ҳисобланади.

Ўқув масканиди дарслар энг янги ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланилган ҳолда, замонавий компьютер синфлари, давлат стандартлари талаблари даражасида жиҳозланган физика, кимё, тасвирий санъат, тикув-бичув, қандолатчилик ўқув лабораториялари ҳамда спорт ва тренажёр залларида олиб борилади. Ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялар, мультимедия дастурлари ва масофадан ўқитиш усуллари ва тармоқлардан фойдаланилади. Жумладан, 51 минг нусхадан зиёд дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётга эга бўлган ахборот-ресурс маркази, иккита (420 ва 120 ўринли) мажлис залли, замонавий жиҳозланган ошхона, буфет, катта спорт зали, спорт майдончалари ўқувчилар ихтиёрида.

Мазкур коллеж узок йиллик анъаналари, таълим интизоми ҳамда ахил-иноқ жамоа ахлининг касбий маҳоратлари тўғрисида ўрта махсус, касб-хунарни таълими тизимида шубҳасиз, етакчилардан ҳисобланади. Бундай юқори натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ўқувчиларга етарли билим бериш, танлаган касбларига астойдил меҳр қўйишлари, қизиқишлари ортишида, малакали етук мутахассислар қилиб тарбиялашда устозлар — ўқитувчиларнинг бекиб меҳнат-



ларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда 10 та кафедрани 161 нафар ўз касбининг заҳматкашлари, жумладан, фан доктори, профессор (1 нафар); фан номзодлари (3 нафар); бош ўқитувчи (26 нафар); етакчи ўқитувчилар (40 нафар); катта ўқитувчилар (31 нафар) ҳамда мутахассис ўқитувчилар (64 нафар) мавжуд ўқув режа ва дастурларининг замон талабларига мос равишда тақомиллаштириб борилишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Муҳаббат Мирҳусанова, Ёқутхон Расулова, Барно Сулаймонова, Гулчехра Тожиёва, Эркин Мейлиев, Комилжон Абдуллаев, Холидаҳон Бобоҳанова, Адиба Махсумова, Шўҳрат Аҳмадалиев, Муаззам Ҳўжаева, Муҳаббат Умарова, Ўлмасой Хошимова, Нодира Насриддинова, Валентина Кожуховская, Мастура Жўраева каби тажрибали, салоҳиятли ўқитувчиларнинг педагогик жамоада беназир меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Шу ўринда коллежнинг яқин ҳамкорлари, маслакдошларига ҳам тўхталиш жоиз. Масалан, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети, Миллий университет жамоалари билан қўл йиллардан буюн самарали беғараз, ўзаро манфаатли алоқалар давом этиб келмоқда. Бу йўлда тажриба алмашиш, малака ошириш, ижодий баҳс-мунозаралар ижобий маҳсулни беришда. Яъни, ҳамкорлик асосида яратилган таълимдаги энг

илғор ўқув қўлланмалари, дарсликлар коллеж ўқитувчиларининг ҳам меҳнати маҳсули сифатида юртимиздаги ушбу тизимда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда, соҳанинг етук мутахассислари томонидан юксак баҳо-ланяпти...

Шунингдек, ёшларнинг чуқур билимли, етук мутахассис бўлиб етишишлари йўлида ўқитувчилар қирқдан ортиқ фан, бадиий, ижодий, спорт тўғрисидаги юришмоқда. Айниқса, тикувчилик, қандолатчилик, амалий санъат тўғрисидаги қизлар фаол қатнашишди, бу қўлланмалар уларнинг нафақат бўш вақтларини мароқли, сермазмун ўтказишлари учун, балки келгусида ҳаёт йўлларини тўғри танлашларида ҳам асос-лади. Ўқув юртини тўғаллаган битирувчилар олий ўқув юр-тига ўқишни давом эттириш учун ҳаракат қилишди, қўнчилиги эса ишга жойлашишди.

Сирасини айтганда, ёшларнинг ҳар томонлама қомил инсонлар бўлиб вояга етишларида давлатимиз томонидан яратилган қўлай имкониятлардан қўнглимиз ғурурга тўлди. Зў-ко, билимга чанқоқ ўқувчилардан эса яхши ўқиш, ўз усти-ларида доимий изланишлари, она Ватанларига муносиб фарзанд бўлиб камол топишлари талаб этилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: 1-Тошкент Педагогика коллежи ҳаётида яратилган таълимдаги энг

КОРХОНА ЗИММАСИДАГИ ВАКОЛАТ

Мен яқинда касалхонага ишга кирдим, аммо меҳнат дафтарча бўлмаганлиги учун кадрлар бўлими бошлиғи менга меҳнат дафтарчаси олиб келишимни айтди. Уни қаердан оламан, деб бошим қотди...

Ҳакима Расулова,
Миробод тумани

Корхонада беш кундан ортиқ ишлаган ҳар бир ходимга Меҳнат дафтарчаси тутиш иш берувчининг вазифасига киради. Бунинг учун эса ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномаси асосида меҳнат дафтарчасини сотиб олади.

Меҳнат дафтарчасини бошқача тартибда сотиш, шунингдек, фуқаролар томонидан меҳнат дафтарчасини сотиш ёки олиш тақиқланади.

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақларни сотиб олиш шартномасини тузиш учун корхоналар маҳаллий меҳнат органларига ёзма равишда мурожаат қилиб, унда штат жадвали бўйича ходимлар сони, вақант лавозимлар сони, меҳнат дафтарчаси ёки дубликати ва дафтарчага қўшимча варақ берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

ФОЙДАЛАНИЛМАГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛЛАРИГА ҲАҚ ТЉЛАНДИМИ?

Уч йилдан буюн қонуний меҳнат таътилидан фойдаланмаганман. Ҳозир эса ишдан бўшмоқчиман, ўша фойдаланмаган меҳнат таътиллари учун корхона маъмуриятидан ҳақ тўлашни талаб қила оламаними?

Искандар Ҳасанов,
Сергели тумани

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган қўйилганидек, одатда йиллик меҳнат таътили йилма-йил тузилган жадвалга биноан бериб борилиши керак. Истисно тарихида ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, ишчи ёки ходимнинг розилиги билан таътил кейинги йилга қўчирилиши мумкин. Аммо бунда таътилни энг камида 12 кун иш йилда берилиши шарт.

Мана шу қоидага зид тарзда ишчига меҳнат таътили (кимнинг айби бўлишидан қатъи назар) ўз вақтида берилмаган бўлса, ҳам ишловчи бу таътилдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Агар меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, иш берувчи ишловчига барча фойдаланмаган таътиллари учун пул компенсациясини тўлаб, тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши лозим.

ИШДАН БЉШАТИШЛАРИ МУМКИНИМИ?

Мен 3 ой муддатга меҳнат шартномаси тузиб, ишга киргандим. Шартнома муддати тугаганига ўн кун бўлди. Ишимни давом эттириб келяпман. «Меҳнат шартномаси тугади», деб мени ишдан бўшатишлари мумкинми?

Ҳилола Юсупова,
Шайхонтохур тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 105-моддасида шундай белгиланган: «Агар шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам ишлаб келаётган бўлсангиз ва бир ҳафта давомидида шартнома бекор қилинишини талаб қилмаган бўлишса, меҳнат шартномангиз номуайян муддатга узайтирилган, деб ҳисобланади».

Шу сабабли меҳнат шартномаси тузилганлиги муносабати билан ўз ишингизни давом эттираверишингиз мумкин.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЉСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Сўз бўлса ғўзалу таъсирчан, хуштабъ,
Ҳар қандай кишини қўяр сеҳрлаб.

Сўз осмон-фалакдан инади,
Жонлар заминига қўнади.
Бу заминда қанот ёзиб у,
Товусдек кўрсатар сеҳр, жоду.

Ою қуёш товланиши сўздандир,
Тўққиз фалак айланиши сўздандир.

Агар сўз бўлмаса, бўлмасди қалам,
Тасвир баёнига бош қўшмасди ҳам.

Барча фазлу хуналар тожи — илм,
Барча эшикларнинг очкичи — илм.

Илм эгаллашга боғла белингни,
Бошқа барча ишдан тортгин қўлингни.

Авалло, илмдан бўлгин баҳраманд,
Жаҳолат тузоғига қўп бўлма банд.
Касби камол учун жаҳд этиш керак,
Эзгу мақсад учун аҳд этиш керак.

Илм чексиздир қисқадир умр,
Шуғуллан қайси иш бўлса энг зарур.

Илмнинг ранг-баранг йўлларида кўп,
Керагидан ортиқ истамагин хўп.

Муаллим дарсига диққат қил, қара,
То бўлма ичи бўш, қуруқ ногора.

Ҳар битта сабогинг бўлсин назарда,
Ташлаб қўйма тушунмасанг агарда.

Талаб гирдобни кенг жуда ҳам,
Илм денгизи чуқурдир бирам.
Тоғанинга қоникмасанг гар,
Яхшироғи олдинда чорлар.

Илм туфайли соз дунёнинг иши,
Илмсиз қийиндир ишнинг юриши,
Агар илм билан лиммо-лим қўнги,
Қўл-оёқ учун ҳам бўлади енгил.

Устоз эшигидан узма ҳеч қадам,
Дунё ташвишидан озод у ҳар дам.
Ҳар сўздан чархларанг идрок,
Суҳбатидан хулқинг бўлар пок.

Ёшлигингдан айла саъй истар
эсанг яхши амал,
Мева нуқсонсиз эса тоза
нихолдандир ўшал.

Нодонлигим англадим қачон,
Доно бўлиб қолдим ўша он.

Қулоқдан кирмаса дилга нур агар,
У сичқон кирар бир тешикка ўхшар.

Ўзни мудом илм олишга йўлла,
Илм олғач, уни ҳаётда қўлла.

Илм амал билан агар бўлмас ёр,
Дононинг нодондан қандай фарқи бор?

Илм ўрганишми, айлагин амал,
Амалсиз илм бу заҳар ҳар маҳал.
Не фойда, ўрганиб сен илми кимё,
Ўз мисингни айламасанг гар тилло?!

Олган билимингни қўлла амалда,
Ўчирма ёққан ўтинг ҳеч маҳалда,
Чунки илминг амал йўлида раҳбар,
Амал эса янги илмга элтар.

Агарда бахтимга очай десанг йўл,
Кеча-кундузингни уч қисмга бўл:
Бирда илм ўрган — гафлатда ётма,
Чунки билимсизлик айбдор, унутма.
Иккинчисини эт амал учун сарф,
Учинчида ўргат билимсизга харф.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ПОЙТАХТ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШИ ҲАМ БИТТА ТУМАН БАНДЛИККА КЉМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУГУНГИ СУҲАТДОШИМИЗ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН БАНДЛИККА КЉМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ ДИРЕКТОРИ БАҲРОМ ЮСУПХОНОВ ЖАМОАНИНГ ЙИЛ БОШИДАН АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ВА КЕЛГҀСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАРИ ҲУСУСИДА ҚЉЙДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

— Туманимизда 52 та маҳалла — фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, аввало банд бўлмаган аҳолини (мониторинг) қатъий режа асосида рўйхатга олиш, уларга ўзлари хоҳлаган мутахассисликларига қўра ишга йўллана бериш бандликка қўмаклашувчи марказимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Жамоамиз барча ишларини Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда бош бошқармани томонидан белгиланган йўналишлар бўйича амалга оширади.

Бизга мурожаат этган банд бўлмаган фуқароларни туманимиз, пойтахтимизда фаолият юритаётган йирик, кичик, хусусий корхона, ишлаб чиқариш фирмалари, турли ташкилот, муассасаларга ишга жойлаштириш каби долзарб масаланинг ечимини тўғри танлаш, бу борадаги иш самарадорлигини ошириш эзгу мақсадларимиздан. Жумладан, бошқармани тасарруфидида Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ҳам қатъий режа асосида бажарилади.

Бундан ташқари, фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлиши аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳам марказимиз жамоаси диққат марказида туради. Яъни, туманимизда истикомат қилаётган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами: қўл болали, кам таъминланган, ногирон фарзандни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, меҳнат бозорида эркин рақобатта киришолмайдиган фуқаролар тоифасига ҳам корхоналарда махсус (квоталанган) иш жойлари яратилиши доимий назоратимизда...

Жорий йил бошидан бандликка қўмаклашувчи марказимизга туман аҳолисидан 4068 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этди, улардан 4075 нафари амалда рўйхатдан ўтди. Режа бўйича тўққиз ой ичида 3257 нафар фуқаро ишга жойлаштирилиши керак эди, биз 3463 нафар аҳолини иш ўринлари билан таъминладик. Шунингдек, шу давр мобайнида 512 нафар фуқаро касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун ўқув марказига

ўқишга юборилди.

Туманимизда 5914 та янги иш ўринлари яратилди (9 ойлик режага қўра 5397 та яратилиши кўзда тутилган).

Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасидаги туманимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 854 нафар фуқаро иш ўринларига эга бўлди. Бу хайрли юмушга «Ўзқабель», «Махсусэнергогаз», Тошкент лак-бўёқ заводи; «Ист батерфляй» қўшма корхонаси муҳим ҳисса қўшишди. Жумладан, уй меҳнати билан шуғулланувчилар учун эса «Хурриятбегим», «Чернов-пласт» хусусий корхоналари иш ўринлари ташкил қилди.

Марказимиз жамоаси йил бошидан 3 марта «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркаларини уюшқоқлик билан ўтказди. Ярмаркаларда банд бўлмаган аҳолининг фаол қатнашишини таъминлашда ўз касбининг заҳматкашлари бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, малакали нозирлардан Барно Ёгамбердиева, Инобат Ражабова, Зинаида Адилваларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Шунингдек, уларга «Оқибат», «Уйғо-ниш», «Умид», «Авайхон», «Яланғоч ота» маҳаллаларининг оқсоқоллари, фаоллари яқиндан қўмак бериб, ҳамкор, ҳамжихат бўлмоқда. Мазкур меҳнат ярмаркалари банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда яна бир қўлай имконият эканлигини эътироф этиш жоиз.

Ушбу туман аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳам тегишли мадад олмақда. Масалан, шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 409 та оилаларга 15 миллион 878,0 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2 ёшгача фарзанд тарбиялаётган 679 та оилаларга 34 миллион сўмлик, 18 ёшгача фарзандлари бўлган 381 та оилаларга 10 миллион 385,4 сўмлик нафақа тўланди...

Пойтахтимиз аҳолисининг бандлик масаласи ечимини топиш йўлида бошқа туманлар сингари Мирзо Улуғбек туман бандликка қўмаклашувчи маркази фаолияти самарасини таъминлаш фуқароларга ҳақиқий мададкор бўлиш учун омил ҳисобланишини доимо ёдда тутамиз.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ 2008

ЙЎНАЛИШЛАР:

1. Биринчи йўналиш - халқ таълими педагоглари (умумтаълим мактаблари);
2. Иккинчи йўналиш - ўрта-махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари (академик лицейлар, коллеж, олий ўқув юртлири);
3. Учинчи йўналиш - илмий тадқиқотчилар (аспирантлар, тадқиқотчилар, докторантлар) ва олий педагогик таркиб вакиллари (кафедра мудирлари, деканлар, проректорлар).

ИШТИРОКЧИЛАР:

Танловда олий маълумотга ва 3 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга мактаб ўқитувчилари; олий маълумотга эга ва 5 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари; 5 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга илмий тадқиқотчилар ва юқори педагогик таркиб вакиллари қатнашишлари мумкин.

Танловда индивидуал ҳолатда (жамоавий аризалар қабул қилинмайди) кўрсатилган йўналишларнинг бири бўйича иштирок этиш мумкин.

Ҳужжатлар 1 ЯНВАРГАЧА қабул қилинади!

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Рангли суратли иштирокчи анкетаси;
2. Паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган ҳолда);
3. Олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
4. Ходимлар бўлими муҳри туширилган меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Лойиҳа;
6. Лойиҳа бюджети;
7. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси;
8. Илмий тадқиқотчилар эълон қилинган мақолалари рўyxатини илова қилишлари лозим.

МАҚСАД:

Педагогик грантлар дастурининг мақсади таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукаммаллаштириш, ижодий изланишларни жадаллаштириш, шунингдек, ойлик ва бир мартабалик тақдирлаш орқали халқ таълими педагоглари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларни моддий томондан қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасига юборилади.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси
Тел.: (998 71) 239 2932, 239 2933
Тел./Факс: (998 71) 239 27 71
http://www.fundforum.uz
e-mail: info@fundforum.uz

Вилоятда яшовчи номзодлар ҳужжатларини «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлиналарига топширишлари мумкин.

Вилоятдаги телефонлар:

Қорақалпоғистон Р-си	(8361) 770-69-23
Андижон вилояти	(8374) 298-19-17
Бухоро вилояти	(8365) 770-09-20
Жиззах вилояти	(8372) 771-69-13
Қашқадарё вилояти	(8375) 771-19-18
Навоий вилояти	(8436) 770-29-21
Наманган вилояти	(8369) 223-09-16
Самарқанд вилояти	(8366) 210-19-14
Сирдарё вилояти	(8367) 221-09-12
Сурхондарё вилояти	(8376) 770-89-19
Тошкент вилояти	(8373) 150-69-10
Фарғона вилояти	(8373) 229-79-15
Хоразм вилояти	(8362) 770-49-22

Ҳакамлар ҳужжатларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқадиган сўнг қарор чиқаради. Ҳакамлар қарори муҳокама қилинмайди. Танлов натижалари ҳақида фақат голибларга маълум қилинади.

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ
ЧЕМПИОНАТИНИНГ 30-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ
ЖОРИЙ ЙИЛГИ МАВСУМГА ЯКУН ЯСАДИ.

Футбол

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

Ушбу тур пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» жамоасига омад келтирди.

Ўз майдонларида Бухоронинг «Бухоро» жамоасини қабул қилган темирйўлчилар муҳлислари кўз ўнгига сермазмун уйин намойиш этишди. Тўп билан муомала қилиш ва рақиб дарвозасига ҳужум уюштириш борасида устунлик қилган майдон эгалари 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасини тўрт бора ишғол этишди ва ўз дарвозаларидан атиги биттагина тўп олиб чиқишди. Дарвозага голларни «Локомотив»-дан — Идиатуллин, Хадзигалиев, Наукаров (2 та), «Бухоро»-дан — Лочин Солиевлар йўллашга муваффақ бўлишди.

Наманганда «Навбахор» меҳмони бўлган «Бунёдкор» жамоаси эса шиддатли курашларга бой кечган баҳсда рақиблари билан мурося йўлини танлади. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. «Бунёдкор»-дан 54-дақиқада Карпенко томонидан киритилган тўпга мезбонлардан 60-дақиқада Бойдадаев жавоб қайтарди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Металлург» — «Андижон» — 1:0, «Машъал» — «Қизилқум» — 3:1, «Шўртан» — «ОТМК» — 0:0, «Динамо» — «Сўғдиёна» — 2:2.

(Ўз муҳбиримиз)

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

«ТИПСИЗ ЁВ» ДАН САҚЛАНИНГ

ГАЗ ПЛИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАНДА ОЗГИНА ХАТО ЁКИ БИР ЗУМЛИК БЕПАРВОЛИК КАТТА ФОЖЕАГА ОЛИБ КЕЛАДИ. САБАБИ, ЮРТИМИЗДА КУЗ ВА ҚИШ ФАСЛЛАРИ КЕЛИШИ БИЛАН ТАБИАТНИНГ МАНА ШУ МАВСУМИДА БАЪЗАН КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ИСИТИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ НОСОЗЛИГИ ТУФАЙЛИ ГАЗ ПЛИТАСИНИ ЁКИБ ҚЎЙИШ ЙЎЛИ БИЛАН ХОНАЛАРНИ ИСИТИШГА УРИНУВЧИ КИШИЛАР ҲАМ ТОПИЛАДИ.

Бу эса шубҳасиз охири-оқибатда кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши билан туга-шани кишилар ёддан чиқариб қўйишади.

Газ хиди сезилганда гугурт ёқиш мумкин эмаслиги, газ плиталарига резина шланг улаб, иситиш мақсадларида фойдаланиш қонунга хилоф эканлигини фуқаролар яхши билганлари ҳолда эҳтиётсизлик кўрсатишади. Оқибати эса маълум — фожеа рўй беради. Шунинг учун унутманг:

— иситиш печларидан суррункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда

қаровсиз қолдириб кетиш катъиян тақиқланади;

— ёш болаларни газ плитаси ва электр иситгичлар атрофида ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни ёлғиз назоратсиз қолдирманг.

Дарҳақиқат, ҳар бир ёнғин бу — йўқотиш. Ёнғин оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги, бир умрга ногирон бўлиб қолмасликлари учун барчамиз оловдан унумли фойдалана билишимиз зарурдир.

М. ТУРСУНОВ,
12-ХЕҲО кичик инспектори, кичик сержант

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. 2008 йил 6 январ кунин соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг 04.08.2008 йилдаги 1-708-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг «Файзобод» 6/м омборида сақланган, «Тик» русумли, д/р 11R9259 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 820 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 19.05.2008 йилдаги 1-380/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар С.Рахимов тумани, «Себзор» жарима майдончасида сақланган, «BA3-2109» русумли, д/р 30P3814 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота тумани судининг 31.06.2008 йилдаги 1-283/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, «Эко-Периметр» МЧЖда сақланган, «БМВ-520» русумли, д/р Х332СХН бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.

II. Шунингдек 2008 йил 23 декабрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф бориш тартибиди, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-мавзе, МЧЖ «Шахтрасен Хизмат» 80-сонли автомашиналарни сақлаш жойида сақланган, «Мерседес-Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 54 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели тумани судининг 20.08.2008 йилдаги №1-748/02-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Темур кўчасидаги Доу Автосервис 2-боксда сақланган, «Опель-Омега А» русумли, д/р 1000525 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси — 12 012 800 сўм.

Маъмур автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди бўлиб ўтадиган

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига таклиф бориш тартибиди, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 2008 йил 28 ноябрда тақдим қилинган, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2008 йил 15 августдаги 10-0817/7135 (17), 10-0817/7136 (17) ва 2008 йил 19 августдаги 10-0805/7174, 10-0810/7124-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 60-а-уйда жойлашган, «Ўзбеккишлоқсавдо» МЧЖга тегишли, 1974 йилда қурилган, майдони 12004 кв.м. бўлган, А, Б, В блоклардан иборат, «Кооператорлар уйи» биноси, мол-мулклар билан бирга жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 6 270 185 030 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 16 декабрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтади.

Мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлимининг

вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Маъмур савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105.

Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!

Ҳамдамова Муҳтабар Саматовна номидаги Себзор даҳасида жойлашган 35а- уй, 46-уй режаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти ва Энергетика факультети жамоаси «Электротехника, Электромеханика ва Электротехнологиялар» кафедраси доценти Абдуҳақор Имомназаровга раҳматини билдириб, МАФРУБАХОН опанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент давлат цирки
ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўқувчиларнинг қишқи таътил кунларида барча ёш томошабинларни «Насриддин Афандининг янги эртақлари» цирк спектаклига таништираётимиз.

Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар соҳибдорлари иштирокида янги дастур намойишида кутамиз.

Дастурдан ўргатилган хайвонлар: уссури йўлбарслари, кўнғир айиқлар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масҳарабозлар гурӯҳининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар шанба кунлари соат 15.00, якшанбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Маълумотлар ҳамда жамоавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1106

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3257 нусхада босилади. Қўғоз бېғими А-2

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент окшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.